
Китобхонлик ҳафталиги кўтаринки руҳда давом этмоқда

Туманимиз аҳолисининг, шу жумладан, ёш авлоднинг билим олиш, маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, уларни янгиланаётган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда китобнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш мақсадида бутун юртимиз бўйлаб «Китобсевар миллат» шиори остида ўтказилаётган Китобхонлик ҳафталиги Қува туманида ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Бугун ахборот-кутубхона марказида ҳафталик доирасида Амир Темур таваллудининг 687 йиллиги муносабати билан «Буюк саркардамизнинг жасорати ва ҳарбий мероси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўзгача тарзда бошланди.

Тадбирда туман ҳокимлиги, ахборот-кутубхона маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, Маданият ва туризм бўлими, халқ таълими бўлими масъул ходимлари ҳамда тумандаги таълим муассасаларининг ўқитувчи ва иқтидорли ўқувчилари иштирок этди.

Умумтаълим мактабидан ташриф буюрган ўқувчилар томонидан Амир Темур сиймосини акс эттирувчи сахна кўринишлари намойиш этилди. Амур Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар тақдимоти ва мавзуга оид адабиётлар шарҳи ўтказилди.

Тадбирда иқтидорли ёшлар томонидан ижро этилган шеър, қўшиқ ва рақслар йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

2023-04-12 15:49:27